

**Ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички тартиб-
таомилларидан хабардорлиги ҳамда соҳадаги билим ва кўникмаларини
оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотларнинг эълон
қилиниши**

Дин ишлари бўйича кўмита раисининг 2022 йил 14 январдаги 1А-сон буйруғи билан Дин ишлари бўйича кўмитанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати,

Дин ишлари бўйича кўмита ва унинг ҳудудий коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом,

Кўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент тасдиқланган.

Бундан ташқари, 2022 йил 21 октябрдаги 59А-сон буйруғига асосан Дин ишлари бўйича кўмита ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари, 2023 йил 12 июндаги 21А-сон буйруғи билан Давлат харидларини ўтказиш тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Мазкур ички идоравий ҳужжатлар Кўмитанинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларнинг барча ходимларига таништирилган.

Шунингдек, 2023 йил давомида 3-15 июль, 11-23 сентябрь, 16-28 октябрь ҳамда 27 ноябрь-9 декабрь кунлари Ўзбекистон халқаро ислом

академияси ҳузуридаги Малака ошириш марказида ташкил этилган 144 соатлик малака ошириш курсларида ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мавзусида ўқитиш йўлга қўйилди.